

- 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот) бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
- 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларидан белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
- 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
- 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

#### **4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига қўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинishi зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### **5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.
- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарим тўлайди:
- 5.4. Шартноманинг 3.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:
- 5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдор ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

#### **6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

- 6.1. Мазкур шартнома Ҳазначилик рўйхатидан ўтганидан сўнг қонуний кучга киради ҳамда 2022 йил «30» декабргача амалда бўлади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
  - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
  - Форс-Мажор ҳолатларида

#### **7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

- 7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси»нинг 12-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сон қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказ берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисоби капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олинishi шартли ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

#### **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

- 8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келишув олмасалар низолар Ўз.Р. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади
- 8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади